

**ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУЛари ИШТИРОКИДА  
ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ  
ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

***Исмаилова Гулмира Шавкатовна***

*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси*

Глобаллашув шароитида мамлакатимизда инвестиция салоҳиятни яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун асос сифатида халқаро молия институтлари орқали салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020 йилдаги ПҚ-4563-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури” тасдиқланган. Мазкур қарорга кўра, 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган хорижий инвестицияларнинг умумий қиймати 597,0 млн. доллар шундан, 2020 йилда умумий қиймати 217,3 млн. долларга (шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция<sup>1</sup>лар 145,8 млн. доллар, яратиладиган янги иш ўринлари 3 534 тага) тенг бўлган 41 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Мамлакатимизда инвестиция салоҳиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида 2020 йил январидан сентябригача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларининг умумий ўзлаштирилган ҳажми 7,2 млрд долларни, (шундан асосий капиталга – 5,7 млрд доллар) шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,8 млрд доллар, халқаро молия институтлари<sup>2</sup> ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари – 2,3 млрд долларни ташкил этди.

Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция салоҳиятини амалга ошириш орқали инвестиция лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари<sup>3</sup> ва донор мамлакатлар маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури

<sup>2</sup> <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasi-investitsija-faolijatining-2020-jil-janvar-sentjabr-ojlar-jakunlari>

<sup>3</sup>Ўзбекистон республикаси Президентининг “Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида 2018 йил 21 июнь, ПҚ-3796-сон қарори

Иқтисодий жиҳатдан асослантирилган инвестиция лойиҳаларининг уларни молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича маблағларнинг нооқилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, Республикаизда жами 2020 йил 9 ойлик натижасига кўра, Инвестиция фаолияти инвестиция фаолияти кўрсаткичларининг сезиларли ўсиши халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан, Ўзбекистонга ажратиладиган маблағлар оқимининг қўпайиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми Япония ҳукуматининг молия ташкилотлари - ЛСА, JBIC (умумий ҳажмга нисбатан 20% ёки 470,8 млн доллар), Осиё тараққиёт банки (16,6% ёки 380,0 млн доллар), Жаҳон банки (11,2% ёки 256,8 млн доллар), Ислом тараққиёт банки (3,6% ёки 81,2 млн доллар) ва бошқаларга тўғри келади. Ушбу маблағлар нефть-газ саноати (884,3 млн доллар), қишлоқ ва сув хўжалиги (461,9 млн доллар), кимё саноати (272 млн доллар), энергетика (205,7 млн доллар), транспорт-логистика секторлари (171 млн доллар), соғлиқни сақлаш (70,0 млн доллар) ва таълим соҳасидаги (32,4 млн доллар) лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Тошкент вилоятида инвестиция салоҳиятини амалга ошириш борасида **ХМИ ва XXMTning маблағлари ҳисобидан**, яъни, 2020 йилги инвестиция дастурига қўшимча равишда қиймати 43,2 млн. долларлик 67 та инвестиция лойиҳалари киритилиб, 36 та лойиҳада 16,9 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва 31 та лойиҳага 26,3 млн. долларга хорижий валютада банк кредитлари берилиб, 2020 йил январ-август ойлари режаси 115 фоизга бажарилишига эришилди.

**Хорижий инвестицияларни** ўзлаштириш ҳолатини ўтган йилларга нисбатан таҳлил қиласиган бўлсақ, 2018 йил 1 сентябр ҳолатига 29 та инвестиция лойиҳалар ҳисобига 15,4 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2019 йил 1 сентябр ҳолатига 99,0 млн. долларлик 91 та лойиҳа ишга туширилган ва худди шундай 2020 йилнинг мос даврига 100 та инвестиция лойиҳалари ҳисобига 108,9 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, йилдан-йилга ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин.

Вилоятида жалб қилинган инвестициялар, технологияларни ўрнатиш ва ишга тушириш борасида, давлатлар кесимида таҳлил қиласиган бўлсақ, Туркия – 36 та, Афғонистон – 29 та, Хитой – 35 та, Кирғизистон – 5 та, Буюк Британия,

Тожикистон ва Жанубий Корея давлатларидан – 2 тадан, Хиндистон, Озарбайжон, Украина ҳамда Қозогистон давлатларидан – 1 тадан хорижий мутахассислар олиб келинган. Республикамизда чет эл инвестицияларини, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини инвестиция лойиҳалари, авваламбор, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол жалб қилиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Тошкент вилоятида 2019 йилда инвестиция салоҳиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳудудий лойиҳалар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши ҳолати ўсиш даражаси барқарор эканлигидан далолатберади.

**Тошкент вилоятида 2021-2022 йилларда хорижий инвестиция  
ўзлаштирилиши тўғрисида йиғма маълумот**

Т/ р	Туманлар номи	2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши (ПҚ-4937)			2022 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши		
		прогн оз (млн. долл.)	амалда (млн. долл.)	ижро, фоизда	ПҚ-72 (млн. долл.)	қўшимча топшириқ (млн. долл.)	Жами режа (млн. долл.)
	<b>Тошкент вилояти</b>						
	Ангрен						
	Бекобод						
	Бекобод						
	Бўка						
	Бўстонли						
	Зангиота						
	Қибрай						
	Қўйичирчик						
	Нурафшон						
	Оққўрғон						
	Олмалиқ						
	Оҳангарон						
	Оҳангарон						
	Паркент						
	Пискент						
	Тошкент						
	Ўртачирчик						
	Чиноз						
	Чирчик						
	Юқоричирчи қ						
	Янгийўл						
	Янгийўл						

Жадвал маълумотларидан куринадики, **2021 йилда** жами **77 та** инвестицион лийиҳаларга **295,1 млн.доллар** хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган бўлиб, Шудан жумладан Статистика ҳисоботи топширилган лойиҳалар маълумотларига кўра, **2022 йилда** жами ижро бўйича **179 та** инвестицион лийиҳаларга, **357,9 млн.доллар** йил хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган. Бу эса режага асосан 110% ортиқ билан бажарилган. Бундан ташқари, вилоятимизда жорий йили глобал пандемия ҳолатида, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда экспортёр ташкилотларга қўмаклашиш борасида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда тўғридан-тўғри лойиҳа ташаббускорлари билан “ЗУМ” (ZOOM)-дастури орқали **60 дан ортиқ** видеоконференция форматида мулоқотлар ўтказилди. Жумладан, Франция, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия, Испания, Швейцария, Нидерландия, Озарбайжон, Қозогистон, ва бошқа давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ва инвесторлар билан музокаралар ўтказилди.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ХМИлариннинг ҳудудлардаги инвестицион салоҳиятини ошириш борасида кенг имкониятлар мавжудлигини очиб бериш, бундан ташқари ХМИлариннинг мабалағларининг маблағларини самарали ишлатилиши юзасидан мониторинг қилиш, ҳар бир ҳудуднинг инвестицион салоҳиятидан келиб чиқиб, ХМИлариннинг маблағларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушандагина инвестицион фаоллик натижасида мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлашнинг эришилади.

#### **Адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури
2. <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasi-investitsija-faolijatining-2020-jil-janvar-sentjabr-ojlari-jakunlari>
3. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида 2018 йил 21 июнь, ПҚ-3796-сон қарори